

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учкуни» номи билан чиқа бошлаган

№ 38 (65865)
1995 йил, 10 октябрь, сешанба

Сотувда
эркин нархда

ЛАЗЗАТЛИ ПАЛОВ — ИСТЕЪДОДЛИ БОЛАЛАРГА

Шақирлаб қайнаётган электр чойнакка қараб турган Дилшод тўсатдан кулиб юборди.

— Бунинг кулгили нимаси бор экан хаёлпараст, яна бирор нарсани ўйладингми? — луқма ташлади акаси Элдор.



Яқинда пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек номидаги истироҳат боғида Дилшод ва Элдор сингари иқтидорли болаларнинг байрами ўтказилди. Уни шаҳар Болалар фонди, Маҳалла фонди ҳамда Туркия фирмаси ҳамкорликда уюштирди. Байрамда болалар чизган расмлар, турли машиналар, ўйинчоқларнинг моделлари, кулолчилик ва бадий безак буюмлари кўргазмаси, санъаткор болаларнинг махсус дастурлари намойиш этилди.

Тадбир сўнгида иқтидорли болаларга лаззатли палов тортилиб, турли совға-саломлар улашилди.



Суратларда байрам лавҳалари акс этган.

— Шундай ўзим, ўзим... Агар шу қайнаётган чойнакка ғилдирак ўрнатиб қўйса юриб кетармикан, — дейман-да.

— Юради эмас, нақд портлаб кетади!

— Унда буғ билан ишлайдиган паровозлар қандай ишлайди?

Ака-укаларнинг бундай савол-жавоблари, бахс-мунозаралари баъзан жуда узоққа чўзилар, энг қувонарлиси, улар тортишувларини охирига етказмай қўйишмас, баъзан бирор янглик ихтиро этиш режасини тузиш билан якунлашарди.



БИР ХАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ

Тошкентда Давлат ва жамият қурилиши академияси очилди. Унда юртбошимиз Ислон Каримов нутқ сузлади.

Андижон вилояти пахтакорлари мамлакатимизда биринчи бўлиб пахта тайерлаш давлат режасини бажаришди. Улар она-Ватан хирмонига 310 минг тонна «оқ олтин» топширдилар. Пахтакор ота-оналар қувончи — биз болаларнинг ҳам қувончидир. Пахта хирмонларимиз юксалаверсин!

Республика болалар ижодиети бадий марказида «Ўзбекистон несъматлари» куриктанловида голиб чиққан еш рассомлар кўргазмаси бўлиб ўтди. Шундай кўргазма ташкилланишининг узи — ёш ижодкорларга эътибор-да!

Пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманидаги 41-мактаб узининг 70 йиллигини, Собир Раҳимов туманидаги 249-мактаб эса 20 йиллигини нишонлади. Ҳар икки мактаб ўқитувчи ва ўқувчиларини бу қутлуг сана билан табриқлаймиз.

Қашқадарё вилоятида буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб шанбалик ўтказилди. Ундан тушган маблағнинг 2 миллион сумга яқини Амир Темур жамгармасининг вилоят бўлимига ўтказиладиган бўлди.

Японияда ўтказилган Чайковский номидаги халқаро усмирлар танловида Успенский номли республика урта махсус мусиқа мактаб-интернатиининг ўқувчиси Дилшод Назаров юқори натижа курсатди. Баракалла, Дилшод, дилларни қилавер шод!

Дарсга кўнгирак чалиниб, мактаб ҳовлиси жим-жит бўлиб қолди. Ўқувчилар синф-синфларига тарқалишди. 7-синфда ҳам тарих дарси борарди. Аммо 25-30 нафар ўқувчидан бор-йўғи 15 ўғил-қиз ўтирибди. Орадан 15 дақиқа ўтгач, охишта эшик очилиб, пойгақда Улмас Эгамбердиев, Акмал Фуломов, Камол Маҳкамов ва Сиддиқ Ҳакимовлар кўринишди. «Ўқитувчимиз ёш, кечиксак ҳам койимайди» деб ўйлашган чоғи. Мактабга кираверишда илмий мудир Санобар опа Одиловага дуч келиб қолишди. Устозларининг «Нега кеч қолдинглар?» деган саволига ҳам жўяли жавоб тополмай, гаранг туришди.

— Улмас билан Сиддиққа дарсларга кеч қолиб келиш одатта айланиб қолган. Энди яхши ўқийдиган Акмал билан Камолни ҳам сафла-

БАҲОЛАШ СИЗДАН

рига тортишибди-да, — чуғурлашарди синфдошлари бир-бирларига гал бермай.


Мактабга биров барвақтроқ келиб, ўзини, синф хонасини, партасини тартибга солиб, ўқитувчининг хурмат билан қарши олиш қайда-ю, айна дарс қизиган чоғда синфдошларининг диққат-эътиборини бўлиб, синфга кириш қайда?! Баҳолаш сиздан, азиз ўқувчилар!

Р. АЛЬБЕКОВ суратга туширган.

Обуна — 96

БИЛДИРИШ УЧУН БИЛИШ КЕРАК

Билимлига ёруғ дунё, билимсизга қоронғу. Билмоққа, сир-синоатларнинг қалитини олмаққа киришмоқ сизнинг ёшингиздан, айна шу кунларингиздан бошланади. Билак билан битмаган ишлар, билим билан битишига ишонсангиз, оламнингизга нур олиб келувчи ўз газетангиз «Тонг юлдузи»га ёзилишга шошилинг. Газета янги йилда сизларни янада ҳушнуд қилиши учун, оёғингиз ерда-ю, нигоҳингиз оламни тиниқ кузатиши учун ҳар борада, ҳар мавзудан эркин суҳбатта киришмоғингиз учун ҳозирданок ўз режаларимга эга. Бунда сизнинг кўнги-роқларингиз, ташрифу, таклифларингиз, дилдан ёзилган мактубларингизга ҳам суянмоқдамиз. «Тонг юлдузи» 1996 йилнинг 1 январидан бошлаб, ҳар ҳафтада икки маротаба чиқади. Унинг бир йиллик обуна баҳоси 208 сум 80 тийин қилиб белгиланди. Демак, олти ойга 104 суму 40 тийин. Индексимизни эсингиздан чиқарманг. Якка обуначилар учун 64563, ташкилотлар учун эса 64579. Обунага шошилинг!



КИМ ЧАҚҚОН: СИЗМИ БИЗ?

Яқинда шахримиздаги Амир Темур хиёбонида, са-лобатли Оқсарой майдонида ажойиб тадбир булиб утди. Шаҳар хотин-қизлар жамғармаси ҳамда ЭКО-САН кенгаши томонидан маҳалла болаларининг белла-шуви уюштирилди. Унда шахримиздаги Номозгоҳ номли 12-маҳалла ҳамда Ку-лоллик номли 3-маҳалла бо-лалари беллашдилар. Белла-шув шартлари ҳам жуда қи-зиқ бўлди: утин ёриш, арқон тортиш, алла айтиш, ош дам-лаш, шахримиз тарихига оид савол-жавоблар. Беллашув ба-ҳона угил-қизларимизнинг миллий урф-одатларимиз, анъаналаримизни қай дара-жада билишлари, эпчиллиги саришталиклари синаб ку-рилди. Асқар Қодиров, Вази-ра Ганиева, Фаёза Абдуллае-ва ҳамда Дилобар Абдуллае-валар уларининг чаққон ҳа-ракатлари, саволларга берил-ган аниқ жавоблари билан

тенгдошларини лол қолдир-дилар. Кимдир қушиқ куйла-ди, кимдир рақсга тушди, яна кимдир келинлик либо-сини кийиб, йигилган ма-ҳалла аҳлига «салом қилди». Мароқли утган кеча сунгида шаҳар хотин-қизлар кенга-ши раиси Роҳила опа Эша-лиева беллашув иштирокчи-ларини самимий қутлаб, улар-га эсдалик совғалари топ-ширди.

Бу каби тадбирлар угил-қизларимизнинг мустақил ҳаётга қай даражада тайёр эканликларини синайдиган маълум маънода имтиҳон ва-зифасини утайди. Қолавер-са, мактаб ва маҳаллалар ора-сидаги муносабатларни мус-таҳкамлайди, болаларни ўз маҳаллаларини севишга, қа-дрлашга ургатади.

**Матлуба АШУРОВА,
Қашқадарё вилояти,
Шахрисабз шаҳридаги
13-мактаб болалар
етакчиси**

Умиджон уйқудан кўзини очар-очмас, шошиб акаси ёт-ган каравотга қаради. Хуршид-

Соғ юрак — тоғ юрак

КАТТАЛАРНИ УЙҒОТИШАРКАН

жон қаттиқ уйқуда эди.

— Хуршид ака, Хуршид ака, — деди у шивирлаб. — Туринг, тонг отди, кеча айтувдингиз-ку, эрталаб саҳарда югуриб келамиз деб.

Аввалига акасидан сира са-до чикмади. Кейинроқ: «Югу-рамиз, югурамиз, яна бир оз-гина жим тургин, озгинагина уҳлаб олай», — деди Хуршид кўзларини очгиси келмай.

Умиджон яна бир оз кутди. Қараса, акаси ҳали-вери уйғо-надиган эмас, дарҳол кийин-ди-да, ҳовлига чиқди. Унинг мақсади очик ҳавода эрталаб-ки бадантарбия билан шуғул-ланиб кучли бўлиш, бундан ҳам каттароқ нияти эса худди Шер-зод тоғасидай чиройли қомат-ли, бақувват аскар бўлиб ҳар-бийга бориш эди. Шунинг учун ҳам у ҳар куни бир марта Шер-зод тоғасининг аскарликдаги кийган бош кийими ва кама-рини тақиб кўради.


— Кичкинтойлар жуда ажойиб-да, — дейди Чилон-зор туманидаги 534-ясли-бог-ча тарбиячиси Ризада Булато-ва. — Гапларига қулоқ тутсан-гиз ҳайратда қоласиз. Бири:

«Менинг тоғам каратист, беш-олтита бандитни бир уриш-да синдиради», деса, иккин-чиси: «Менинг акам яқинда аскар бўлади, қўллари мана бундоқ ка-аа-тта, буйлари ба-ла-анд» деб мақтанишади гу-рур билан.

Шунда мен уларга: «Сиз-лар ҳам ҳозирдан бадантар-бия билан кўп-кўп шуғуллан-санглар, эрта туриб тоза ҳа-вода аввал секин-секин, кей-ин тезроқ югуришни машқ қилсанглар, катта бўлгач

соғлом, бақувват бўласиз-лар», дейман. Мана шунақа тушунтиришлардан кейин жисмоний тарбия кичкин-тойларнинг сеvimли машгу-лотларига айланиб қолди. Ҳатто улар ўз уйларида ҳам ҳаммадан аввал уйғониб кат-таларни ҳам уйғотишаркан.

Ризада опа айтганларидек, ушбу масканда кичкинтойлар-ни чиниқтириш, уларда спортга қизиқиш уйғотиш учун боғча мудираси Пари-зод опа Султонова бошчили-гидаги махсус дастур тузи-либди. Унга биноан болалар барча жисмоний ҳаракатлар-ни қизиқарли уйинлар шак-лида олиб боришар экан.



БОЛАЛАР ШАҲАРЧАСИ

— Арғимчоқда мен учаман!
— Йўқ мен учаман...
— Ҳай-ҳай, болажонлар та-лашманглар, — дея муроасага кел-тирмоқчи бўлди болаларни тар-биячи Ибодатхон опалари, — ахир арғимчоқлар жуда қўп-қў. Ҳаммасида навбатма-навбат учиб чиқасизлар. Кейин музқаймоқ еймиз.

Ҳазиргина гаплари бир ердан чиқмай таллашиб-тортишиб тур-ган Бобуржон, Гулбахор, Ниго-ра, Ҳамиджон, Отабек ва Навба-ҳорлар бир зумда келишиб олишди. Етти-саккиз турдаги ат-ракционларда мириқиб учиб, салқин уриндикларда дам олиш-ди. Бобур номли маданият ва истироҳат боғида ярим гектар-лик майдонда ташкил қилинган «Болалар шаҳарчаси» кичкин-тойларнинг сеvimли масканига айланган. Шаҳарчанинг хувил-лаб, бушаб қолганини кур-майсиз. У ерда 40 дан ортиқ ат-ракционлар булиб, ҳеч бири иккинчисини такрорламайди, зур маҳорат билан яратилган. Қисқаси, болажонларнинг қў-наб хорлик чиқаришлари учун барча шароитлар муҳайё қилин-ган. Шаҳардаги 2-, 11-, 17-, ҳамда 22-болалар боғчаси кич-кинтойлари «Хушчақчақ дам-лар» номли машғуллотларини ана шу боғда утказишади.

— Богимизда бир йўла сак-киз минг нафар угил-қиз дам олиши учун имкониятларимиз бор, — дейди шаҳарча дирек-тори Рустамжон ака Носиров. Қў-лаб уйингоҳ ва қурилмалар яра-тилган. Мақсадимиз — богимиз-дан болажонларнинг шодон қи-чириги-ю, шўх кулгулари ари-масин.

Нафақат «болалар шаҳарча-си»да балки Наманган шаҳрида ҳам «Ҳамма яхши нарсалар ва имконлар болаларга!» шиори ко-ғозда эмас, амалда бажарилаёт-ганини куриб, дили қувнайди кишининг.

**Тургунпўлат
СУЛАЙМОНОВ,
Наманган шаҳри.**



Мактаб ҳовлисида булиб утган қисқа муддатли йиғи-лиш кучли қарсақлар остида яқунланди. Бунга сабаб ҳо-зиргина бу ерга ташриф буюр-ган бир сахий инсоннинг сузлари булди.

— Мактабнинг яқин кел-гусида лицейга айланади, ун-гача тинчимаيمان, — деди уқув даргоҳи ҳомийси, вино-заводи директори Буриқул ака Қурбонов. — Бунинг учун жамоамиз аъзолари би-лан маслаҳатлашиб ҳам куйганмиз. Жорий йилдаги қушимча даромадимиздан маълум қисмини ажратишга келишдик. Уша маблағлар ҳисобига хориждан сизлар учун компьютерлар ва бош-қа зарур анжомлар сотиб оламиз. Бунинг эвазига сиз-

КАТТАМИ, КИЧИКМИ — ҲИММАТ ЯХШИДИР

лардан яхшироқ ўқиб, ёши улугроқ одамлар. ишончни оқлаш талаб қили-нади холос. Қани, шоввозлар, бушашманглар!

Директор шу сузларни айт-ди-ю, тезгина жунаб кетди.

— Мунча оғзининг тано-би қочмаса, яхшилик, са-хийлик жа-а ёқади-а, — ҳазил қилди уқувчилардан бири ик-кинчисига.

— Нега қувонмай, дирек-тор бува фақат менга яхши-лик қилаётганлари йўқ-ку, мактабимиздаги етти юздан ортиқ боланинг келажаги учун, қолаверса Ўзбекисто-нимиз равнақиға шулар ҳисса қушади, деган умидда қилаяп-тилар.

Буриқул ака мактабдан чи-қиб «Дашнобод» давлат хужа-лигидаги боғча, кутубхона, хуллас, узи қумак ва мадад беришига озгина бўлса-да, муҳ-тожлик сезадиган барча ма-конни айланиб, камчиликла-рини сураб-суриштириб чиқ-ди. «Илоё директоримизнинг омади келсин, ишларига ри-вож берсин, заводи фойда-нинг кони бўлсин» дея алқаб қолишарди унинг кетидан

рувчи инсонлар булиб етиш-

са узимизга яхши. Мабодо бизнинг урнимизда булган ҳар қандай бақувват ташки-лот ҳам шундай қилган бу-ларди» дейишди камтарлик билан жамоа аъзолари. Биз эса миннатдорчилик-дан бошқа нима ҳам дердик. Топган-тутганларингизга ба-рака берсин, ишларингиз равнақ топсин, деймиз-да.

— Ҳомийимиз болаларни жон-дилидан севувчи инсон, бу фазилят у кишига ота ме-рос, авлод-аждодаларидан ме-рос булиб қолган, — дейди муаллима Мақсуда Булато-ва. — Ҳозир улар хўжалик худудидаги барча болалар боғ-часига ҳам ердам курсатиш-ни ўз зиммаларига олганлар. «Биз сахий директорнинг ҳимматларига раҳмат билан жавоб беришимиз керак, раҳ-матимиз эса «аъло ўқиши-миз» дейишмоқда бизнинг болалар.

Сайриддин ХОЛОВ.
Суратда: мурувватли завод директори Буриқул ака Қурбонов.

«Гулистон — Мирзачўлнинг зийнати, у номига муносиб бўлсин», дейишади гулистонликлар. Яқинда мухбири-миз Феруза Одилова Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳрида булиб, тенгдошларингиз ҳаётдан лавҳалар ёзиб қайтди.

БОЛАЛАРИМИЗ КАМОЛИ ЙЎЛИДА...

— Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий узининг буюк «Хамса»сидаги «Садди Искандарий» асарида македониялик Искандарнинг қуруқликдаги юришларини тасвирлаш билан бирга денгиз орқали бориладиган мамлакатларга қилган сафарларига ҳам катта урин берган. Алишер Навоий, айниқса, Искандарнинг Урта ер денгизи орқали Шимолий Африка мамлакатларига қилган юришларини, хусусан, Мисрда Искандария шаҳрини барпо этганлигини тасвирлайди, — деб ҳикоя қилади Алишер Навоий темасини утаётган адабиёт муаллимаси Шарифа опа Қодирова. Уқувчилар эса опанинг сузларини диққат билан эшитишар, девордаги Навоий дostonларига чизилган миниатюраларни берилиб томоша қилишар эди. Бугунги дарснинг Алишер Навоий номли мактаб музейида утаётгани ҳам бежиз эмас.

Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳридаги Алишер Навоий номли 9-мактаб уқувчилари Навоий темасини ҳамisha мактаб музейида утишади. Шинамгина безатилган хонада «Навоий гулшани», Навоий асарларига ишланган миниатюралар, болалар томонидан Навоий образи ижро этилган, суратлар, альбом ва рефератлар, қўлёзмалар билан безатилган. Уларни томоша қилар экансиз, бир лаҳзагина Навоийга замондош булгандек ҳис қиласиз узингизни.

Халқ таълими соҳасидаги ислохотларнинг амалга оширилётганлиги бу мактабда ҳам сезилиб турибди. Иқтидорли болаларга шароит яратиб берилган, фанлар чуқурлаштириб утиладиган синфлар ташкил қилинган. Масалан, 6-, 7-, 8-, 9-, 10-«А» синфларда инглиз, математика, адабиёт дарс-

лари чуқур ургатилади. Бу йил ҳам жадаллаштирилган синфлар очилди. 1-синфга тайёр уқувчиларнинг, яъни бемалол уқиб, ёза оладиган, чизишни билладиган болаларнинг синфи очилган. Улар уч йилда тўрт йиллик дастурни тугатдилар. 1-синфга келган болалар лотин алифбосини, инглиз тилини урганиб борадилар. Илк жадаллаштирилган синф уқувчилари бу йил 5-«А» бўлишди.

— Мактабимизда миллий тарбияга эътибор катта, — дейди мактаб директори Шарифа опа Қодирова. — 980 дан ошқ болага 50 нафар уқитувчи, шулардан 10 таси олий тоифали муаллимлар билим берадилар. Сирдарё Давлат дорилфунунининг талабалари ҳам мактабимизга келишади, улар илк амалиётларини шу ерда утишади. Уқитувчиларимиз улардан бор билим ва маҳоратларини аймадилар.

Юқориди айтганимиздек, Шарифа опа адабиёт фанидан уқувчиларга сабоқ берадир эканлар, дарснинг якунида Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» китобидаги ушбу сузлар билан якунладилар. «Билимнинг буюклигини ва заковатнинг улуглигини англагин, бу иккаласига эга булган сара кишилар улугликка эришадилар».

БИЗНИНГ ШАВҚИ АКАМИЗ

«Ҳиммат камарини боғлаган ҳамон, чумоли енгади шерни бегумон». Мирзо Бедилнинг ушбу сузларини эслаганимизда, куз олдимишга «Оқ олтин» туманидаги деҳқон-фермер Шавқи ака Сапаров сингари инсонлар келади. Кимлардир уз фарзандларини куча-қуйга, етимхоналарга ташлаб кетса, кимлардир болаларни уз паноҳига олиб, меҳрибончилик қилади. «Оқ олтин» туманидаги «Семурғ» номли боғча болалари деҳқон-фермер Шавқи акани жуда яхши танийдилар. Куча-қуйда кўрганларида

«бизнинг Шавқи ака» деб курсатишади. Сабаби улар бу боғчани уз оталигига олганлар. Боғчада 100 дан ортиқ бола тарбияланади. Бу йил 28 нафар уғил-қиз 1-синфга қадам қўйди. Шавқи ака уларнинг барчасини уқув қуроллари билан таъминлаб, болаларнинг қувончига шерик булдилар. Ҳар байрамда боғча болаларига совғалар бериб, ош дамлайдилар.

1990 йилда Шавқи ака фермер ҳужалигини ташкил қилдилар. Уша вақтнинг пули билан ун минг сўм ссуда олдилар. Жамоа ҳужалигидан 70 та қорамол, отлар, қуйлар олиб боқдилар. Биз Шавқи акадай Ҳимматли, саховатли кишиларнинг ишлари ҳамisha ривож топишини тилаймиз.

ЯНГИ ШИЖОАТ БИЛАН

— «Бустон» маҳалламиз ҳудудида янги мактаб-гимназиянинг очилиши, отаналар учун ҳам, болалар учун ҳам қувончли булди, — дейди «Бустон» маҳалла қумитаси раиси А. Болтабоев. — Чунки болажонларимиз анча олисда жойлашган 2-мактабга қатнаб уқишарди. Мактабнинг келгусида янада кенгайтирилиши кўзда тутилганидан мамнунимиз.

4—5-мавзе аҳолисининг севинганича бор. Сабаби, Гулистон шаҳрида бу йил сентябрь ойида Акмал Икромов номли 16-мактаб-гимназия ишга тушди. 1200 уринли мактабдан 640 урини фойдаланишга топширилди. Қолган корпуси кейинги уқув йилига топширилиши кўзда тутилмоқда. Ҳозирча болалар сони 394 нафар. 1-синфда иккита, 2-синфда битта, 3-синфда битта гимназия синфлари ташкил қилинди.

Инглиз тили, математика ва компьютер сабогини мукамал ургатадиган мактаб-гимназияда уқувчилар 3-синфдан кейин иқтидорига қараб синфларга бўлинади. Мактаб-гимназия қошида мохир, тажрибали мураббийлар миллий рақс, драма, туқин, чанг, тугарак машгулотларини олиб боришади. Ритмик дарси ҳам утилади.

— Янги иш жойида янги шижоат булади, — дейди мактаб-гимназия директори Мунаввар опа Абдуллаева бизнинг «ёш экансиз, янги мактаб-гимна-

зиянинг ишлари, қурилишлари билан қийналиб қолмаясизми?», — деган саволимизга жавобан. — Гулистон шаҳар ҳокимлиги, шаҳар халқ таълими бўлимидагилар, қолаверса, мактаб жамоаси яқиндан ёрдам беришяпти...

Мактаб-гимназиянинг булғуси ишлари ҳали олдинда, режалари улкан, уларнинг фарзандларимиз камоли йулида хормай-толмай меҳнат қилишларини тилаб қоламиз.

ЭЗГУ ҲИСЛАР УЙҒОТИБ...

— Бир бор экан, бир йуқ экан, қадим замонда чолу кампир булган экан, — деб уқий бошлади боғча опа. Кичкинтойлар эса бутун вужудлари билан боғча опаларини тингладилар. Эртакни тарбиячи опа боғчада уқиб берапти дейсизми, йуқ адашдингиз. Улар доимо кичкинтойлар учун ёзилган китобларни болалар кутубхонасида утириб тинглашади. Гулистонлик муаллиму тарбиячилар ёш авлодда меҳр-оқибат, ҳалоллик ва ростгуйлик уругини мана шу йуллар орқали шакллантириб борадилар.

Кутубхонада талайгина ибратли ишларнинг гувоҳи булдик. Туртта залдан иборат кутубхонанинг ҳар бир залида алоҳида мавзуларга бағишланган китоблар жой олган. Қуйи синф ва юқори синфлар учун мулжалланган китоблар талайгина. Уқув залидаги «Эртаклар оламига», «Албатта, уқиб чиқ», «Бу қизиқарли», деб номланган бурчаклар уқувчилар диққатини узига жалб этади.

Кутубхоначи опалар ёш китобхоналар билан ранг-баранг мавзуларда суҳбатлар, эртаклар, шеърхонлик кечалари утказиб туришади. Ёзувчи ва шоирларнинг юбилейларига атаб алоҳида стендлар тайёрлашади.

«Узимдаги яхши хислатлар учун китобдан миннатдорман», деган эди рус ёзувчиларидан бири. Кутубхона директори Мукаррам Бобоева ҳамда кутубхона ходими Ирина Хан кабилар қилаётган ибратли ишлари худди ана шу нарсага болажонларимиз қалбида эзгу ҳислар уйғотишга даҳлдорлиги билан ҳам гузалдир.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳаким Назир 80 ёшда

ТҮЙ МУБОРАК, БОБОЖОН!



Севимли ёзувчимиз, таниқли адиб Ҳаким Назир болалар адабиёти хазинасини кўплаб гоёвий-бадий асарлар

билан бойитган буюк санъаткордир. Бу йил узининг табаррук 80 ёшини қаршилаётган адибимиз ҳамон баракали ижод қилиб келяптилар. «Сунмас чақмоқлар», «Енар дарё», «Куктерак шабадаси» каби қатор повестлари, қишлоқ болалари ҳаётдан ёзилган ажойиб ҳикояларини уқир экансиз, бунга узингиз ҳам амин буласиз.

Жуда ёшлик чоғлариданоқ меҳнат билан дўстлашган Ҳаким бобо учун инсон ва меҳнат мавзуси асарларининг асосий мазмунини ташкил қилди. Қай мавзуни қаламга олмасин, қайси мазмунда асар яратмасин, ҳаёт ҳақиқатини буй-басти билан, ҳаққоний ифода этади. Она Ватанга муҳаббат, унга сидқидилдан хизмат қилиш, меҳнатни севиш, ҳалол яшаш каби инсоний фазилатлар ёзувчининг ҳаёт қонунига айланган. Ижодининг мазмунини ҳам шулар ташкил қилади. Ҳаким бобо ҳикояларини уқир экансиз, гўё сиз ҳақингизда ёки яқин дустингиз ҳақида ёзилгандек бўлиб туюлаверади. Асар қаҳрамонлари билан жонли суҳбат кургандек, қадрдонлашиб кетгандек буласиз. Унинг «Бир туп гуза»сидаги Карим, «Чул ҳавоси»даги Азимжон, «Бошоқ»даги Содиқжон ва Ҳолик, «Сунмас чақмоқлар»даги Қудрат, Аҳмад каби қаҳ-

рамонлари мисолида қуришимиз мумкин. Кўплаб асарларида катталарнинг турмуш тарзи, уларнинг меҳнатга муносабати ва оилавий масалаларига болалар нуқтаи назари билан ёндошиб, болаларбон уқимишли ҳикоялар, қисса ва повестлар яратади. Шу боис ҳам бобомизнинг «Доимо ёдимдасиз, азизларим» номли ёдномалари, «Оқ фотиҳа» номли одоб-ахлоқ мавзусидаги қиссалари қўлимиздан тушмайди, китоблари биз фарзандлари ардоғида.

Тугилган кун бир баҳона камтарин, самимий, меҳнатсевар адибимизни дилдан кутлагимиз, «Яна узоқ йиллар бардам-бақувват умр қуринг. Болажонларимизга атаб кўплаб китоблар ёзинг» дегимиз келди.

Туй муборак, Ҳаким бобо!

Соҳиба ИРИСХҲЖАЕВА.

Ҳаким НАЗИР НАБИРАЛАРИМИГА ДИЛ СЎЗЛАРИМ

Болалик — мангуликдир. Болалар уз ота-оналарининг моддий ва маънавий меросларини авайлаб, келажак авлодларга етказадилар. Агар устоздан шоғирлар узмаса, тараққиёт қаёқдан булсин?!

Мактаб ва ҳаёт — икки улуг устоз. Уларга бутун умр қулдук қилсанг оз. Мактаб — ота булса, ҳаёт — она.

Болалар мустақиллик биносининг ҳаётбахш кучлари, устунлари экан, шу устунларнинг бақувват булишини уйлайлик.

Сиз болажонларимни фақат сиртки қуринишда эмас, ақл-идрок, ҳулқ-одобда, юриш-туриш ва муомаладаям чиройли ҳолда кургим келади.

«Яхши» билан «ёмон»ни ажратолган боладай келажакда катта нарсалар умид қилиш мумкин.

Одамларга керак бўлиб яшашни урганинг. Қупол, манман, лоқайд булманг.


Уғил бола тугилса дарелар суюнариши. Негаки, болалар чўмилганда қуриб қолган тошлар баҳра оларкан. Қизлар тугилса, қозон билан учоқ суюнади, дейишади.

Сизлардан миннатдорман. Узоқ умримда нима яхшилик топган булсам, барини сизларга хизматим, муҳаббатимдан топдим.

Китоблардаги фикр-маъно бойликларини яхши уқиб олган одам — энг яхши китобхон.

Китобни офтобга қиёс этишлари бежизмас. Китоб дилларни мунаввар этиб, ҳаёт ва мавжудот сирларидан воқиф қилувчи бебаҳо хазина. Болалик давринингнинг ҳар кун, ҳар соатини ганимат сезиб, билимлар хазинасини қанча кўп эгалласангиз, келажакда узингизга ҳам, узгаларга ҳам шунча асқотади.

Сизларни уйлаганимда дилим яйраб, ёшлигим қайтиб келгандек, узимни бардам сезаман. Гўё бир янги ганимат олам ичига кириб қолгандай руҳланиб кетаман. Ана шу руҳий кутаринкилик менга куч, илҳом бағишлайди.



РАССОМ БЕШИГИДА УХЛАГАН ЭДИ

мазмуну ҳам қизиқарли, қайта ишлашга ёки ёзишга муҳтож эмас, мақола, шеърларга чизган суратлари эса бетакрорлиги, ҳатто муаллиф фикрларини тулдиришга ёрдам бериши билан ажралиб турарди.

— Ростдан ҳам авлод-аждоғларимизда рассом, шоир, умуман санъаткор утмаган, деҳқончилик асосий тирикчилигимиз. Кичкиналимизда бувимлар: «Болам сенинг бешик туйингда ирим қилиб таниқли рассом Темура Саъдуллаевнинг бешигини олиб келгандим, унга ухшаб санъаткор бўлсин дея орзу қилгандим», дедилар.

Шу-шу булди-ю бу гаплар қулоғим остидан сира нари кетмай, менга тинчлик бермай қўйди. Узимча турли буюмларга қараб шаклини қоғозга туширар, шеърлар машқ қилардим. Кейинчалик мактабимиз расм, чизмачилик ўқитувчисига ёлчимагач, ўқитувчи бўлишга аҳд қилгандим, — дейди Пулатжон.

— Рассомнинг аввало уз «қули» бўлиши лозим, — таълим берарди унга устози Анвар ака Исохужаев. — Чизганларинг тиниқ, уларда мақсад, мазмун яққол акс этиб турсин.

Уз мақсадига интилган, устоз уғитларига амал қилган шогирднинг дипломи иши қишлоқ манзаралари мавзусида булди. Ўзбекистон халқ рассоми Исфандиёр Ҳайдаров ёш мусаввирнинг манзара жанрида муйқалам тебратилишига йуналиш берганди. Шунинг учун ҳам у устози Анвар ака раҳбарлигида Бахмалда, Чорвоқ, Хумсонда ишлаган этюдлари асосида умумий бир композиция тузди. Асардаги ёз охирлари иссиқ, кечалари салқин қишлоқ ҳавоси, қадди роз мирзатераклар, пастаккина лойсувоқ томлар, шарқираган зилол сувлар кузатувчи эътиборидан четда қолмайди.

Мана, пойтахтда утган ҳаяжонли, мазмунга бой онлар ортда қолди. Ёш муаллим уз қишлоғига йул олarkan, «Сени унутмайман азиз пойтахтим, берган сабоқларинг, таништирган дўстларинг учун ташаккур», деди хаёлан.

Биз нега Пулат акангизни таништирдик. Аслида сиз унинг ўзини яхши биласиз-ку! Газетамизда рассом бўлиб оз фурсат ишлаган булсаларда, ёзган мақоаларию, чизган расмлари билан сиз — синчков ўқувчиларимизга яхши таниш бўлиб қолган. Энди эса нафақат олийгоҳни балки, тахририятимизни ҳам тарк этиптилар... Ижодкор аҳли шундай: янги ва янги, хилма хил ҳаётни кумсайди. Хаёлни фаромушу чаргон этиб, қўр излайди, парвоз истайди. Биз Пулат Алимовнинг ижод қирралари янада товланишига, юзлаб, минглаб келажагимиз эгаларига ватанпарварлик, олижаноблик, камтарлик фазилятларини сингдиришига, шогирдлари қалбига гузаллик, эзулик уруғларини экишига ва улар униб-усгач, муаттар атридан бахраманд бўлишига тилак билдирамиз.

Т. ХАМИД ҚИЗИ.

ЖИЛМАЙГАНИМ ЖИЛМАЙГАН



деб икки уртоқ — Алижон билан Валижон атрофидагиларни кулдиришга интилишарди.

Сиз суратда куриб турган қизиқчи болалар пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 204-боғчанинг катта гуруҳ тарбияланувчилари Умид Мамадалиев ҳамда Мурод Луқмоновлардир.

Саҳнадаги Алижон — полвон, меҳнатсевар, бир суз билан айтганда, қули гул бо-

ла булса, Валижон эса уртоғининг акси бўлиб, қулидан ҳеч нарса келмайдиган ута дангаса, мақтанчоқ бола. Сегир кичкинтой томошабинлар Алижон ва Валижон ҳаракатлари орқали яхши фазилятли болани дарров ажратиб олдилар.

— Болажонларимиз жуда қувноқ, қулгусевар болалар. Бугунги байрам эрталигига ҳам Алижон ва Валижон деб Умиднинг узи исм танлади, — дейди фахр билан боғча мудираси Маҳфуза она Қутбиддинова. — Уйлайманки, улардан келажақда ажойиб, суз усталари етишиб чиқади.

Искандар ОДИЛОВ.

- Мурод, кеча тушимда йулбарсни курдим, роса қувлади, зурга қутулдим.
- Вуй, қандай қутулдинг?
- Шуниям билмайсанми, уйғониб-да! Қизиқчию масхарабозлар ҳаракатларига тақлид қилиб, уртоқларини кулдираётган миттигина Умиджонни кузатаётган боғча опа Маҳмуда Аҳмедова байрам эрталигига қизиқчи родини унга тошпиришга аҳд қилди.
- Умид, қизиқчи-масхарабоз бўласанми?
- Ҳозир Муродни ҳам чақирай, иккаламиз бўламиз!
- Хуллас саҳнада бинойидек қизиқчилар пайдо булди.
- Шодон, қувноқ боламан
- Аскияга устаман.
- Кимга ёқар тумшайган?
- Жилмайганим жилмайган,

ҲИММАТИНГА БАЛЛИ, «ШАҲРИСТОН»



ли тўй маросимлари, завод-фабрика ва бошқа ташкилотларда берилган концертлардан тушган маблағнинг 50 фоизи жамият ҳисобига утказилади.

Бир куни қизиқ булди. Қибрай йулидаги «Красний май» ногирон болалар санаторийсида концерт беришарди. Тусатдан саҳнага Гулчехра исми ун ёшли қизча кутарилди ва қушиқ айтишга ижозат суради. Унинг куйлаган қушиги ва ижро этган рақси барчага маъқул булди. Ана шундан буён Гулчехра ансамблнинг энг фаол, энг ёш ва энг сеvimли иштирокчиси.

Айни кунларда Шухрат Охунов билан Тулқин Юнусовлар яна бир хайрли ҳиммат курсатиш ниятида юрибдилар, яъни ногирон болалар даволанаётган ва ўқитган ҳар бир санаторийда санъат тўрааклари очиб, уларга раҳбарлик қилишмоқчи. Балки улар орасидан ҳам Гулчехрага ухшаган, ногиронликни писанд қилмай, санъат йулига кирувчи болалар чиқиб қолар?

«Шахристон»да Носир Умаров сингари хушовоз хофизлар, Шавкат, Ҳикматилло, Раҳимжон, Дониёр сингари қобилиятли созандалар борки, уларнинг ҳам ҳимматли, қалблари меҳр-шафқатга тулик, ҳам санъаткор, ҳам гамхур кишилар деса бўлади.

Т. СОЛИЕВА.

Суратда: Тўлқин Юнусов.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир
Умида АБДУАЗИМОВА

Тахрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА,
Раҳима ШОМАНСУРОВА,
Марат ШАФИЕВ,
Сайриддин ХОЛОВ
(масъул котиб)

IBM компьютерида терилди ва сақияланди. Оффсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ Буюртма — Г 0450.
11.000 нускада босилди.
Қороз баъими — А-3.
Босилиш ва тиражи вақти 19.00
Топширилди — 18.30

• Рўзхатдан ўтми тартиби № 000137
• Маълумот: 700083,
Тошкент шаҳри,
• Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.
• Телефон:
33-44-25